

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг 29 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, Роҳат МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Абдуганиев, судья ёрдамчиси Ҳ.Аҳтамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Абдуллаев, гумонланувчи У.Мансуров ва унинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси М.Шаропов, жабрланувчи А.Нормахматовнинг иштирокида, Мансуров Улуғбек Умаровичга нисбатан 1-1010-2603/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1989 йил 09 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод (собиқ Ҳамза) туман судининг 2008 йил 20 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазо шартли ҳисобланиб, 2 йил синов муддати белгиланган,

яшовчи, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинган.

Суд гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки терговда тўпланган ҳужжатларга кўра, 2025 йил 09 ноябрь куни соат тахминан 23:00 да, Бектемир тумани Бектемир МФЙ ҳудудида жйолашган “Диёр” номли меҳмонхона ҳудудида, ушбу жойнинг жамоат жойи эканлигини тўлиқ англаган ҳолда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, меҳмонхонанинг кўриқлаш хизмати ходимлари билан ўзаро оғзаки равишда тортишиб қолиб, шу вақтда жабрланувчи унинг орқа тарафидан келиб унинг елка қисмидан ушлаган



вақтида юз қисмига бир маротаба тан жароҳати етказиб, безорилик жиноятини содир қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 14 ноябрдаги 1451-Х-Қод-сонли хулосасига кўра, жабрланувчи А.Нормахматовнинг баданида “пастки лаб чап томони шилинмаси ва юз соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби оғирлик даражасига кўра “Енгил” тан жароҳатлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан У.Мансуров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишига жалб қилинган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи У.Мансуров ва жабрланувчи А.Нормахматовлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Дастлаб тергов органи томонидан 2025 йил 13 декабрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи У.Мансуровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумонланувчи У.Мансуров суд мажлисида ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи А.Нормахматов билан ўзаро ярашиб, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда жабрланувчи А.Нормахматов билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлигини, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Нормахматов суд мажлисида гумонланувчи У.Мансуровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, гумонланувчи У.Мансуров билан ўзаро ярашганликлари, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, У.Мансуровга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи А.Нормахматов ва гумонланувчи У.Мансуровларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бектемир туман прокурори ёрдамчиси Ш.Абдуллаев, гумонланувчи У.Мансуровнинг адвокати М.Шароповнинг



жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчи У.Мансуровнинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумонланувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, У.Мансуровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи А.Нормахматовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят иши бўйича иш юритиш тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан билан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Нормахматовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ва ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

С.Абдуганиев

Аслига тўғри: \_\_\_\_\_

